ЧТ-01-01/6-1
23.09.22

**“Тасдиқлайман”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси**

**____________ Н.Обломурадов**

**“23” сентябр 2022 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳамда коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ**

| т.р. | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлар | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат тизимини тўлиқ жорий этиш ва уларга малакали мутахассисларни очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш** | | | |
| 1. | Давлат экология қўмитаси, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларидаги Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими вакант лавозимларига ходимларни тайинлаш чораларини кўриш. | Ушбу вакант жойларга танлов эълон қилиш;<br>Танловга юборилган ҳужжатларни умумлаштириш;<br>Танлов ўтказиш ва танлов натижаларидан келиб чиқиб, ходимларни тайинлаш. | 2022-йил сентябр-октябр | Кадрлар бўлими **(Аширова)**<br>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Б.Урунов)**<br>Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилот раҳбарлари |
| 2. | Амалдаги ички идоравий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, халқаро тажрибаларга мувофиқ, коррупцияга қарши мувофиқлик тизимини жорий қилишга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>2.1. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш.<br>2.2. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламентини ишлаб чиқиш. | Ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш | 2022-йил сентябр | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Б.Урунов)**<br>Юридик бўлим **(Абдурахманова)**<br>Коррупцияга қарши курашиш агентлиги |

| т.р. | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлар | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | 2.3. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш чиқиш.<br>2.4. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш. | | | |
| 3. | Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларидаги Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича бош мутахассисларни тайёрлаш ва уларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида назарий ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш. | Малака ошириш ўқув курсларини ташкиллаштириш ва ўтказиш (буклетлар, кўргазмали материаллар тайёрлаш) | 2022-йил октябр, йил давомида | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)**<br>Кадрлар бўлими **(Аширова)** |
| 4. | Ҳудудий бўлинмалардаги Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича бош мутахассисларнинг 2022 йил 8 ойида давомида амалга оширилган ишлар таҳлили келгусидаги вазифаларини белгилаш. | ZOOM платформаси орқали йиғилиш ўтказиш ва тегишли чора-тадбир белгилаб олиш | 2022 йил сентябр ойида | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)**<br>Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари |
| | **Коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар** | | | |
| 5. | Режа-графикка мувофиқ мутахассисларнинг малакасини ошириш. | Малака ошириш режа графигини тасдиқлаш ва олий ўқув юртлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқув курсларини ташкил этиш. | 2022-йил сентябр-октябр | Кадрлар бўлими **(Аширова)**<br>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)**<br>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази **(Бозоров)** |
| 6. | 1. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар беришга мўлжалланган **алоқа каналларини** *(Расмий вебсайт, ижтимоий тармоқлардаги саҳифа, ишонч телефони,* | Ташкилий чора-тадбирлар, Давлат экология қўмитаси расмий вебсайтга | 2022-йил сентябр | Экологик ахборот, ахборот-коммуникатция технологияларини жорий этиш |

| т.р. | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлар | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | *электрон манзил)* ташкил этиш ва тизимли ишлашини таъминлаш.<br>2. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ва уларни ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотларни **расмий веб-сайт ва бошқа ОАВларда** жойлаштириш.<br>3. Манфаатлар тўқнашуви ҳақида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини жорий этиш.<br>Бунда:<br>- ижтимоий тармоқлардаги **расмий канал ва саҳифалар, телеграм бот** орқали келиб тушадиган мурожаатларни Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими масъул ходими томонидан тўғридан тўғри қабул қилиш, дастлабки текширувдан ўтказиш;<br>- манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрини юритиш ва мурожаатларни рўйхатга олиш;<br>- хабар берувчининг анонимлигини таъминлаш. | қўшимча ўзгартириш киртиш. | 2022-йил сентябр<br><br>2022-йил октябр | ва мультимедия маркази **(Абдуллаев)**<br>Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)**<br>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** |
| | **Фаолият очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ва бунга кенг жамоатчиликни жалб этиш** | | | |
| 7. | Давлат экология қўмитаси тизимига ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этиш. | Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва ижроси устидан доимий назорат ўрнатиш. | 2022-йил сентябр, доимий | Кадрлар бўлими **(Аширова)**<br>Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)**<br>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** |
| 8. | Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган ахборотлар расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлимга тизимлаштирилган ҳолда жойлаштириш. | Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. | Доимий, ҳар чорак якуни бўйича | Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)**<br>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** |

| т.р. | Амалга ошириладиган тадбирлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизми ва босқичлар | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 9. | Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида қўмитанинг ярим йиллик ва йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2022-йил давомида | Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)** |
| | **Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик ва тарғибот-ташвиқот ишлари** | | | |
| 10. | Давлат экология қўмитаси, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида коррупция ҳолати, тенденсиялари ва сабаблари, коррупцияга қарши кўрилган чоралар самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича аноним сўровлар ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. | Доимий, ҳар чорак якуни билан | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)** Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари |
| 11. | Давлат экология қўмитаси, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган амалий тадбирларни ОАВда ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориш. | Ташкилий чора-тадбирлар натижаси юзасидан ҳар чорак якуни билан ҳисобот бериб бориш. | Доимий, ҳар чорак якуни билан | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)** Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари |
| 12. | "Экология соҳаси коррупциядан ҳоли" мавзусида тегишли кўрсатув ва эшиттиришларда ёритиб бориш, бунда соҳага оид тартиб-таомиллар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар. | Доимий, ҳар чорак якуни билан | Матбуот хизмати **(Дўстмуродов)** Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими **(Урунов)** Ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари |

**Коррупцияга қарши курашиш ва**
**комплаенс назорат бўлими бошлиғи**
**_____________ Б.Урунов**